

Одамларга яхши гаплар айтинг!



17:00 / 24.04.2022 7181

Аёл эридан: «Салбий сифатларимни ёзиб беринг», – деб сўради, чунки аёл ўша салбий сифатларни ижобийсига ўзгартирмоқчи эди. Қолаверса, ўзи иштирок этаётган аёллар семинари мураббийсининг аввалги дарсдаги берган топшириғи шундай эди. Эри эса қоғозга қуйидагиларни ёзди: «Мен аёлимни қандай бўлса, шундайлигича севаман, унда бирор айб кўрмайман». Ушбу сатрларни битгач қоғозни икки буклаб аёлига узатди. Мураббийси ҳам аёлларга эрлари ёзиб берган қоғозни ўзлари ўқимасдан икки буклаб олиб келишни буюрган эди.

Эртаси куни эр уйга келса, аёли уни эшик олдида қўлида бир даста атиргул билан севинчдан кўз ёши тўккан ҳолда кутиб олди. Чунки эрнинг қоғозга битганлари аёли учун кутилмаган ҳодиса бўлган эди, хусусан, кўпчилик аёллар олдида мақтов сўзларини эшитгани, бунинг учун

мураббийсидан мукофот олгани унга бошқача таъсир қилганди. Эри ўзига ўзи айтяпти: «Аслида аёлим томонидан йўл қўйиладиган ўндан ортиқ хатоларни билардим, аммо ўша хатоларнинг муолажаси уларни қоғозга ёзиш билан бўлмаслигини тушундим».

Ажабланарли жойи шундаки, ўша эркакнинг аёли шу воқеадан кейин етмиш фоиз яхши томонга ўзгарибди. Айбларни зикр қилиш, одатда, нафрат, сиқилиш ва қайсарликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бордию ўша айблар кўпчиликнинг орасида зикр қилинса, бунинг оқибати яна ҳам ёмон бўлиши мумкин. Мақташ, эътироф қилиш муҳаббат ва хурсандчиликнинг пайдо бўлишига ҳамда ижобий энергия ҳосил бўлишига сабаб бўлади. Қолаверса, бу иш кишининг яхши томонга ўзгаришига хизмат қилади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади:

أَنسُحِ إِنِّي دَلَّ أَوْلِيَاءَ وَهَلَلْنَا لِي نُؤدِّبُ عَتَا لِي لِي أَرْسِلْ يَنبِقَاتِي مَ أَنْدَحْ أَذِو
أَوْمِي قَ أَوْ أَنْسُحِ سَ أَنْ لَلَّ أَوْلُوقُ وَنِي كَاسْمَ لَ أَوْ مَاتِي لَ أَوْ بَرُّقُ لَ يَدُو
نَ وَضَعُ مَ مَاتَ نَ أَوْ مَ كَ نَ مَ أَلِي لَقِ أَلِ مَاتِي لَ وَتَ مَاتَ أَلِ كَزَلَا أَوْتَ أَوْ أَلِ صَ لَ لَ

«Эсланг, ўшанда: «Аллоҳдан бошқага ибодат этмайсиз, ота-онага яхшилик қиласиз ва қариндошларга, етимларга, мискинларга ҳам; одамларга яхши гаплар айтинг, намозни қоим қилинг, закотни беринг», - деб Бану Исроилнинг аҳду паймонини олган эдик. Сўнгра озгинангиздан бошқангиз юз ўгириб, ортга қараб кетдингиз» (Бақара сураси, 83-оят).

Аллоҳ таоло ушбу оятда: **«Одамларга яхши гаплар айтинг»**, - деган амрни намоздан, закотдан аввал зикр қилди. Шунинг ўзиёқ одамларга яхши гап айтиш нақадар муҳим иш эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги ҳодисада эрнинг аёли ҳақидаги яхши гапи қандай натижага олиб келганини кўрдик. Аллоҳ таоло барчамизни фақат Ўзига ибодат қиладиган, ота-онамизга, қариндошларга, етимларга ва мискинларга яхшилик қиладиган, одамларга яхши гаплар айтадиган, намозни қоим қилиб, закот берадиган бандаларидан қилсин.

Таржимон: Нозимжон Ҳошимжон,

Муҳаррир: Абдулазиз Раҳим